



ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ



ТОШКЕНТ МОЛИЯ  
ИНСТИТУТИ

*“ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ СТАТИСТИКА  
ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ  
УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ”*

*МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
АНЖУМАНИНИНГ*

**МАТЕРИАЛЛАР  
ТЎПЛАМИ**

2021 йил





“O‘ZBEKISTONDA MILLIY STATISTIKA TIZIMINI  
TAKOMILLASHTIRISHNING USTUVOR YO‘NALISHLARI”

| Регрессионная статистика |             |
|--------------------------|-------------|
| Множественный R          | 0,612687857 |
| R-квадрат                | 0,37538641  |
| Нормированный R-квадрат  | 0,346994883 |
| Стандартная ошибка       | 0,170060659 |
| Наблюдения               | 24          |

Дисперсионный анализ

|           | df | SS          | MS          | F           | Значимость F |
|-----------|----|-------------|-------------|-------------|--------------|
| Регрессия | 1  | 0,382382066 | 0,382382066 | 13,22177608 | 0,001458518  |
| Остаток   | 22 | 0,636253813 | 0,028920628 |             |              |
| Итого     | 23 | 1,018635878 |             |             |              |

|                | Коэффициенты | стандартная ошибка | t-статистика | P-Значение  | Нижние 95%  | Верхние 95% | Нижние 95,0% | Верхние 95,0% |
|----------------|--------------|--------------------|--------------|-------------|-------------|-------------|--------------|---------------|
| У-пересечение  | 3,775671796  | 0,070953572        | 53,21327281  | 9,65102E-25 | 3,628523094 | 3,922820498 | 3,628523094  | 3,922820498   |
| Переменная X 1 | -0,005028922 | 0,001383025        | -3,636176024 | 0,001458518 | -0,00789714 | -0,0021607  | -0,00789714  | -0,002160704  |

After assuring P value is less than 0.005, we can go on working with parameters.

Above in the table there are given parameters of variables:

for log y variable – 3.77;

for X variable – (- 0.005) comes for:

$$\log y = 3.77 - 0.005x$$

where the function says \$1000 change in income per capita influences on tax wedge by 0.5%. But it is not the precise number we can conclude, as there is confidence interval which summarizes 1 unit of change I income per capita effects the decrease in tax wedge from 0.8 to 0.2%.

To conclude, it is easy in most times to complain about the increase in tax system, however, as we have analyzed the correlation between them is not strong enough. There are some other factors which could influence in our figures, should be also examined in further researches.

**А.Акрамов, ТМИ, мустақил тадқиқотчи**

**Рақамли иқтисодиёт шароитида давлат харидларини самарали  
ташқил этишнинг зарурияти ва аҳамияти**

Ўзбекистонда бугунги кунда ривожланган мамлакатларда давлат харидлари тизимини бошқаришни баҳолаш усул ва мезонлари, давлат харидларини амалга ошириш тамойилларини такомиллаштириш, товарлар ва хизматларни йирик ҳажмда харид этишнинг самарали шакли сифатида очик танловлар ўтказиш, харидларни амалга ошириш жараёнида самарадорликни оширадиган инновацион воситаларни қўллаш, жами харид жараёнлари, буюртмаларни жойлаштириш, нархларни таклиф қилиш, шартномаларни тузиш, етказиб бериш хизмати, тўловларни электрон савдо дўконлари ёрдамида ўтказиш, буюртмалар ва товар (иш, хизмат) етказиб берувчиларнинг интернет тизими орқали харидларни амалга оширишда рақамли





## “O‘ZBEKISTONDA MILLIY STATISTIKA TIZIMINI TAKOMILLASHTIRISHNING USTUVOR YO‘NALISHLARI”

иқтисодиётнинг имкониятларидан кенг фойдаланиш орқали илмий изланишлар изчил амалга ошириб, олиб борилмоқда. Шу нуқтаи назардан, бизнинг мамлакатимизда ҳам ушбу кенг қўламли масала юзасидан давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 29 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига мурожаатномасида таъкидланганидек, ҳозирги кунда давлат харидларида атиги 4 фоиз тадбиркор қатнашмоқда. Келгуси йилда 24 та йирик давлат корхонасига давлат хариди бўйича очиқ-ошкора талаблар жорий этилади. Натижада маҳаллий тадбиркорларимиз ҳар йили камида 10 триллион сўмлик маҳсулотларини ушбу корхоналарга сотиш имкониятига эга бўлади. Бундан буён барча давлат харидлари жамоатчилик ва Парламент назоратида бўлиши белгиланди. Бунинг баробарида давлат харидлари устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш ва рақобатни кучайтириш мақсадида давлат харидлари бўйича барча маълумотларни жамловчи, махсус ахборот порталлари ва шу каби бошқа ташқи ахборот тизимлари билан ўзаро электрон ҳамкорликни таъминловчи Давлат харидлари марказий ахборот порталини ишга тушириш мақсад ва вазифалардан бири деб белгиланди<sup>154</sup>.

Давлат харидларининг иқтисодиётга таъсири, аввало, ички иқтисодиёт сиёсатдан келиб чиққан ҳолда қаралса, у авваломбор, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни, кичик ва ўрта бизнес тадбиркорлик субъектларини давлат томонидан амалга оширилаётган харидлар тизими орқали бажарилади. Ўз навбатида, кичик тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш миллий иқтисодиёт самарадорлигини оширишга олиб келади, рақобатбардош маҳсулотларга бўлган талабни шакллантиради. Давлат харидлари бюджет харажатларининг катта қисми ҳисобланиб, давлат эҳтиёжларни таъминлаш учун маълум функцияларни бажарган ҳолда рақамли иқтисодиётни самарали, барқарор ривожлантириш учун имкониятлар яратади. Шунинг учун ҳам давлат буюртмачисининг манфаатлари жамият манфаатлари билан мос келиши зарур. Бунинг баробарида давлат харидларининг ташкилий тузилмалари ҳам мос равишда шаклланиб амалга ошиши зарур. Илмий тадқиқотлар кўрсатишича, давлат буюртмачилари ушбу тартиботлардан бирининг фойдасига танловда коррупцион рағбатларга эга бўлишлари мумкин.

Умуман олганда, давлат харидларини электронлаштириш билан боғлиқ масалаларни тадқиқ этишимиз мобайнида унинг бир қатор афзалликлари мавжудлигининг гувоҳи бўламиз<sup>155</sup>.

### **1-жадвал**

#### **Электрон савдо майдончаларининг афзалликлари<sup>156</sup>**

<sup>154</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига мурожаатномаси. <https://prezident.uz/uz/lists/view/4057>


<sup>155</sup> [http://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/36\\_Boymurodov.pdf](http://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/36_Boymurodov.pdf)

<sup>156</sup> Мясникова Л.А. Тюрина К.А. «Современные инструменты повышения эффективности системы государственных закупок» Вестник Пермского университета, 2016, Экономика. Вып. 3(30). С.132 // Баймурадов Ш. Давлат харидларини амалга оширишда электрон савдолардан фойдаланиш самарадорлиги. “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 5, sentyabr-oktyabr, 2020 yil.





“O‘ZBEKISTONDA MILLIY STATISTIKA TIZIMINI  
TAKOMILLASHTIRISHNING USTUVOR YO‘NALISHLARI”



Давлат харидларини электронлаштириш жараёнларининг аҳамиятини давлат харидлари соҳасида коррупцияга қарши мониторингни иқтисодиётнинг бошқарув самарадорлигини ошириш механизми сифатида кўриб чиқиш керак, вазиятни таҳлил қилиш ва давлат харидларида ошкораликни таъминлаш мақсадида шартнома тизимидаги хатарларда у ўз аксини топади. Бу борада, давлат харидлари шаффофлигини таъминлашдаги коррупцияга қарши мониторингнинг асосий таркибий қисмлари қуйидагилардан иборат:

- мониторинг объектларини аниқлаш, яъни мижозлар ва потенциал ижрочилар томонидан давлат харидлари тизимидаги коррупцияга қарши қонунчиликка мувофиқ коррупциянинг намоён бўлиши;

1) маълумотлар йиғиш, давлат харидлари, шу жумладан, объектлар бўйича ишончли маълумотларнинг бир қаторини шакллантириш;

2) давлат харидлари тўғрисидаги маълумотларни қайта ишлаш жараёни сифатида таҳлил қилиш;

3) давлат харидлари шаффофлиги даражасини аниқлаш ва коррупциядан кўрган зарарни қуйидаги турлари бўйича аниқлаш жараёни сифатида баҳолаш:

- давлат ва жамият учун оширилган нархлардан кўрилган молиявий зарар;
- етказиб бериладиган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ҳажмини ошириб юбориш ёки кам баҳолаш ёки ноўрин сотиб олиш ҳолатларида миқдорий зарар;
- талаб қилинадиган техник тавсифларни, сифат параметрларини ва ишончилигини бузган ҳолда битимлар тузишда кўрилган зарар;
- рақобатни чеклаш билан боғлиқ битимларни тузишда сиёсий зарар ва шунга мос равишда жамият ва бизнесда давлат тузилмаларига бўлган ишончни йўқотиш.

- коррупция омилларининг келажақдаги таъсирини аниқлаш жараёни ва давлат харидларини тартибга солиш ва тартибга солиш соҳасида коррупцияга қарши сиёсатни ишлаб чиқиш йўналишларини ишлаб чиқиш жараёни сифатида башорат қилиш.

Демак, давлат харидлари тизимидаги коррупцияга қарши мониторинг тизимининг ажралмас элементи бу харидлар жараёни бўйича статистик маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилиш асосида амалга ошириладиган кузатувдир. Шу билан бирга, давлат харидлари тизимининг ҳолати ва ривожланишини вақт ва

